Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратига 2023 йил давомида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг ўрганиб чиқилгани ва натижадорлиги ҳақида

МАЪЛУМОТ

Вазирликка 2023 йил давомида Президентга мурожаат, Тадбиркорлар виртуал қабулхонаси, Бош прокуратурага мурожаат, е-хат, вазирлик ишонч телефонига ва почта хизматлари орқали жами 2702 та (+367 нафар сайёр қабулда) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари келиб тушди. 2021 йилнинг шу даврида вазирликка фуқаролардан жами 2910 та (+327 нафар сайёр қабулда) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари келиб тушган бўлиб, 2021 йилга нисбатан мурожаатлар келиши 2023 йилда 208 тага (8%) камайди.

2702 та мурожаатдан, 239 та (9%) мурожаат вазирлик ваколатидаги масала бўлмаганлиги сабабли тааллуқлилиги бўйича бошқа вазирлик ва идораларга йўналтирилган бўлиб, 19 та (0,7%) мурожаатлар юзасидан аноним ҳамда 17 та (0,6%) мурожаатлар юзасидан кўрмасдан қолдириш қарорлари ва хулосалари қабул қилинган. 7 та (0,2%) мурожаат ўрганиш жараёнида бўлиб, назоратга олинди.

Вазирлик ваколати доирасида ўрганилиб, ҳал этилган 2420 та (89,6%, 2702 тадан) мурожаатдан 1609 та (67%) ижобий, қолган 811 та (33%) мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Мурожаатларни ўрганиш жараёнида икки фуқаронинг мурожаатларида норматив ҳужжатларда белгиланган муддатлар бузилишига 3 та (0,9%) ҳолатда йўл қўйилган бўлиб, тегишли масъулларга таъсирчан интизомий чоралар кўрилди.

2023 йилда вазирликка жисмоний шахслардан 2436 та (90%) ҳамда юридик шахслардан 266 та (10%) мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 1910 та (70%) мурожаат электрон, 513 та (19%) мурожаат ёзма ҳамда шахсий қабулларда 66 та (2,5%) мурожаат ва 213 та (8%) мурожаат оғзаки мурожаатларни ташкил этди.

Мониторинг натижаларига кўра, бевосита вазирликка келиб тушган 2702 та мурожаатдан 79 таси (3%) турли идоралардан битта шахс ва бир хил масалада юборилган дубликат мурожаат эканлиги ҳамда фуқаролар томонидан ўрганиш натижаларидан қониқиш ҳосил қилмаганлиги сабабли 49 та (1,8%) такрорий мурожаат келиб тушди.

Таҳлилларга кўра, вазирликка келган мурожаатлардан 1147 таси (42,4%) суғориш суви, 343 таси (12,6%) ирригация, 127 таси (4,7%) муҳофаза ерлардан фойдаланиш, 45 таси (1,6%) балиқчилик ташкил этиш ва бошқа масалалар, 162 таси (6%) ижтимоий масалалар, 166 таси (6,1%) қурилиш, 230 таси (8,5%) насос станциялари, 176 таси (6,5%) мелиорация, 100 таси (3,7%) ичимлик суви, 69 таси (2,5%) раҳбар ходимлар хати-ҳаракати, 3 таси (0,1%) коррупцион

ҳолатлар, 70 таси (2,5%) сув тежовчи технологиялар, 11 таси (0,4%) инвестициялар, 29 таси (1%) инновациялар, 24 таси (0,8%) давлат-хусусий шерикчилик масалаларидадир.

Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, мурожаатларнинг 191 таси (7%) Қорақалпоғистон Республикаси, 88 таси (3,2%) Андижон, 190 таси (7%) Бухоро, 111 таси (4%) Жиззах, 406 таси (15%) Қашқадарё, 94 таси (3,4%) Навоий, 187 таси (7%) Наманган, 171 таси (6,3%) Самарқанд, 80 таси (3%) Сирдарё, 529 таси (20%) Сурхондарё, 251 таси (9%) Фарғона, 124 таси (4,5%) Хоразм, 243 таси (9%) Тошкент вилояти, 32 таси (1,2%) Тошкент шаҳридан, 5 таси (0,2%) хориждан келиб тушган.

Вазирликнинг раҳбарияти томонидан ҳудудларда 19 маротаба сайёр қабуллар ўтказилган бўлиб, жами 367 нафар жисмоний ва юридик шахслар ва уларнинг вакиллари қабул қилинган. 2021 йилда бу кўрсаткич 327 нафарни ташкил этган.

Таҳлилларга таяниб, вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан энг кўп мурожаатлар келаётган ҳудудларда ҳамда бошқа жойларда вазир ва вазир ўринбосарлари томонидан сайёр қабулларни ўтказиш, аҳолини қийнаётган сув хўжалиги билан боғлиқ муаммолар ечими юзасидан ваколат доирасида амалий ёрдам бериш бўйича чоралар кўрилди.

Мурожаатлар билан ишлаш сектори

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратига жисмоний ва юридик шахслардан 2023 йил январь-сентябрь ойларида келиб тушган мурожаатларнинг ўрганиб чиқилганлиги ва натижадорлиги ҳақида маълумот

Вазирликда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, ижро мониторингини water.ijro.uz электрон дастуридан фойдаланган ҳолда юритиш ва назорат қилиш ҳамда ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар вазирликнинг ҳар чоракда ўтказиладиган ҳайъат йиғилишларида, доимий ўтказиладиган вазирлик марказий аппарати йиғилишларида, шунингдек, ҳар ҳафта якуни билан вазир, вазир ўринбосарлари ҳузурида мунтазам равишда муҳокама қилиб келинмоқда.

Вазирликка жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Президентга мурожаат, Тадбиркорлар виртуал қабулхонаси, Бош прокуратурага мурожаат, е-хат, вазирлик ишонч телефонига ва почта хизматлари орқали жами 2333 та жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари келиб тушди.

Ушбу мурожаатлардан 197 таси (8,4%) вазирлик ваколатидаги масала бўлмаганлиги сабабли тааллуқлилиги бўйича бошқа вазирлик ва идораларга йўналтирилган бўлиб, 10 та (0,4%) мурожаат юзасидан аноним ҳамда 12 та (0,5%) мурожаатлар юзасидан кўрмасдан қолдириш қарорлари ва хулосалари қабул қилинган. Ҳозирда 45 та (1,9%) мурожаат ўрганиш жараёнида бўлиб, назоратга олинган.

Вазирлик ваколати доирасида ўрганилган 2091 та (89%) мурожаатдан 1413 та (68%) ижобий ҳал этилиб, қолган 656 та (32%) мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилган.

Ҳисобот даврида вазирликка жисмоний шахслардан 2086 та (89%) ҳамда юридик шахслардан 247 та (11%) мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 1676 та (71%) мурожаат электрон, 421 та (18%) мурожаат ёзма ҳамда шахсий қабулларда 43 та (2%) мурожаат ва 193 та (8%) мурожаат оғзаки мурожаатлардир.

Йўналишларга бўлиб ўрганилганда суғориш суви масаласида – 1051 та (45%), ирригация масаласида – 283 та (12%), муҳофаза ерлардан фойдаланиш масаласида – 100 та (4,2%), балиқчилик ташкил этиш ва бошқа масалаларда – 40 та (1,7%), ижтимоий масалада – 126 та (5,4%), қурилиш масаласида – 144 та (6,1%), насос станциялар масаласида – 207 та (8,8%), мелиорация масаласида – 144 та (6,1%), ичимлик суви масаласида – 77 та (3,3%), раҳбар ходимлар хати-ҳаракати юзасидан – 53 та (2,2%), коррупциявий ҳолатлар масаласида – 3 та (0,1%), сув тежовчи технологиялар масаласида – 55 та (2,3%), инвестиция масаласида – 8 та (0,3%), инновация масаласида – 23 та (0,9%), давлат-хусусий шериклик масаласида – 19 та (0,8%), мурожаат келиб тушган.

Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, Қорақалпоғистон Республикасидан – 155 та (6,6%), Андижон вилоятидан – 74 та (3,1%), Бухоро вилоятидан – 166 та (7,1%), Жиззах вилоятидан – 90 та (3,8%), Қашқадарё

вилоятидан – 365 та (15,6%), Навоий вилоятидан – 81 та (3,4%), Наманган вилоятидан – 162 та (7%), Самарқанд вилоятидан – 156 та (6,6%), Сирдарё вилоятидан – 78 та (3,3%), Сурхондарё вилоятидан – 466 та (20%), Фарғона вилоятидан – 217 та (9,3%), Хоразм вилоятидан – 112 та (4,8%), Тошкент вилоятидан – 181 та (7,7%), Тошкент шаҳридан – 27 та (1,1%), чет элдан – 3 та (0,1%) мурожаатлар келиб тушган.

Таҳлилларга таяниб, вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан биринчи ўринда мурожаатлар кўп келаётган ҳудудларда ҳамда бошқа жойларда ҳам вазир ва вазир ўринбосарлари томонидан сайёр қабулларни ўтказиш, аҳолини муаммосини тинглаш ва уларнинг мурожаатлари ечими юзасидан ваколат доирасида амалий ёрдам бериш учун чоралар белгиланиб, ишлар олиб борилмоқда.

Мурожаатлар билан ишлаш бўлими

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратига жисмоний ва юридик шахслардан 2023 йил январь-июнь ойларида келиб тушган мурожаатларнинг ўрганиб чиқилганлиги ва натижадорлиги ҳақида маълумот

Вазирликда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, ижро мониторингини water.ijro.uz электрон дастуридан фойдаланган ҳолда юритиш ва назорат қилиш ҳамда ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар вазирликнинг ҳар чоракда ўтказиладиган ҳайъат йиғилишларида, доимий ўтказиладиган вазирлик марказий аппарати йиғилишларида, шунингдек, ҳар ҳафта якуни билан вазир, вазир ўринбосари (ижро интизоми масалалари бўйича масъул) ҳузурида мунтазам равишда муҳокама қилиб келинмоқда.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида бевосита вазирликка Президентга мурожаат, Бош вазирга мурожаат, Бош прокуратурага мурожаат, е-хат, вазирлик ишонч телефони ва почта хизматлари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг жами 1504 та мурожаатлари келиб тушди.

Шундан 1372 таси (91%) жисмоний шахслардан ҳамда 132 таси (9%) юридик шахслардан тушган мурожаатлар. 1088 та (72%) мурожаат электрон, 281 та (19%) мурожаат ёзма келиб тушган. Шахсий қабулларда 31 та (2%) мурожаат қайд этилган бўлса, 104 таси (7%) оғзаки мурожаатлар ҳисобланади.

Келиб тушган мурожаатларнинг 133 таси (9%) вазирлик ваколатидаги масала бўлмаганлиги сабабли тааллуқлилиги бўйича бошқа вазирлик ва идораларга йўналтирилган бўлиб, 17 та (1%) мурожаат юзасидан аноним ҳамда кўрмасдан қолдириш қарорлари қабул қилинган. Ҳозирги кунда 172 та (11%) мурожаат ўрганиш жараёнида бўлиб, назоратга олинган.

Вазирлик ваколати доирасида ўрганилган 1199 та (80%) мурожаатдан 847 таси (71%) ижобий ҳал этилиб, қолган 335 та (28%) мурожаат юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилган. Мурожаатларни ўрганиш жараёнида норматив ҳужжатларда белгиланган муддатлар бузилиши қайд этилмаган.

Мониторинг натижаларига асосан бевосита вазирликка келиб тушган 1504 та мурожаатлардан 37 таси (2,5%) турли идоралардан битта шахс ва бир хил масалада юборилган дубликат мурожаатлиги ҳамда фуқаролар томонидан ўрганиш натижаларидан қониқиш ҳосил қилмаганлиги сабабли 23 та (1,5%) такрорий мурожаат келиб тушганлиги маълум бўлди.

Йўналишларга бўлиб ўрганилганда суғориш суви масаласида – 562 та (37%), ирригация масаласида – 202 та (13%), муҳофаза ерлардан фойдаланиш масаласида – 180 та (12%), балиқчилик ташкил этиш ва шунга ўхшаш бошқа масалаларда – 30 та (2%), ижтимоий масалаларда – 90 та (6%), қурилиш масаласида – 105 та (7%), насос станциялари масаласида – 161 та (11%), мелиорация масаласида – 110 та (7%), ичимлик суви масаласида – 44 та (3%), раҳбар ходимлар хатти-ҳаракати бўйича – 42 та (3%), коррупция масаласида – 3 та (0,2%), сув тежовчи технологиялар масаласида – 38 та (2,5%), инвестиция масаласида – 6 та (0,3%), инновация масаласида – 19 та (1,2%), давлат-хусусий шериклик масаласида – 12 та (0,7%) мурожаат келиб тушган.

Ҳудудлар кесимида таҳлил қилганда, Қорақалпоғистон Республикасидан – 94 та (6%), Андижон вилоятидан – 46 та (3%), Бухоро вилоятидан – 113 та (7,5%), Жиззах вилоятидан – 60 та (4%), Қашқадарё вилоятидан – 188 та (12%), Навоий вилоятидан – 56 та (4%), Наманган вилоятидан – 107 та (7%), Самарқанд вилоятидан – 115 та (7,5%), Сирдарё вилоятидан – 49 та (3%), Сурхондарё вилоятидан 311 та (20,5%), Фарғона вилоятидан – 160 та (10,5%), Хоразм вилоятидан – 63 та (4%), Тошкент вилоятидан – 121 та (8%), Тошкент шаҳридан – 20 та (1%), чет элдан – 1 та (0,06%) мурожаат келиб тушган.

Вазирликнинг раҳбарияти томонидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган жадвалга асосан белгиланган ҳудудларда сайёр қабуллар ўтказилиб борилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва вилоятлардаги ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига ҳамда уларнинг таркибидаги ташкилотларга 2023 йилнинг январь-июнь ойларида жисмоний ва юридик шахслардан 4633 та мурожаат келиб тушган.

Шундан 3633 та (78,5%) мурожаат ижобий ҳал этилган, 800 та (17%) мурожаат бўйича тушунтириш берилган, 4 таси (0,08%) кўрмасдан қолдирилган, 15 таси (0,3%) рад этилган, 78 таси (1,5%) тааллуқлилиги бўйича вазирлик ва идораларга юборилган, 103 та (2,2%) мурожаат эса ҳозирда ўрганиш жараёнида.

Ҳудудлар мисолида олганимизда, Қорақалпоғистон Республикасида 159 та (3,4%), Андижон вилоятида 436 та (9,4%), Бухоро вилоятида 472 та (10%), Жиззах вилоятида 270 та (6%), Қашқадарё вилоятида 673 та (14,5%), Навоий вилоятида 68 та (1,4%), Наманган вилоятида 208 та (4,4%), Самарқанд вилоятида 322 та (7%), Сурхондарё вилоятида 187 та (4%), Сирдарё вилоятида 385 та (8%), Тошкент вилоятида 616 та (13%), Фарғона вилоятида 427 та (9%), Хоразм вилоятида 410 та (9%) мурожаат ўрганилган.

Мурожаатлар билан ишлаш бўлими

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида 2023 йилнинг 5 ойида амалга оширилган ишлар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

Вазирликка 2023 йилнинг январь-май ойларида жами 1154 та ариза ва мурожаатлар келиб тушган. Уларнинг барчаси белгиланган тартибда назоратга олинган бўлиб, шундан 1038 таси вазирликда ўрганиб чиқилган, 116 таси тегишлилиги бўйича бошқа идораларга юборилган.

Вазирликда ўрганиб чиқилган мурожаатларнинг 710 таси қаноатлантирилган, 275 таси бўйича тушунтириш берилган, 8 таси аноним деб топилган, қолганлари кўриб чиқиш жараёнида.

Ҳудудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, 2023 йилнинг ўтган 5 ойида сув хўжалиги соҳаси бўйича энг кўп мурожаат Сурхондарё вилоятидан келиб тушган – 224 та. Қашқадарё вилоятидан 151 та, Фарғона вилоятидан 142 та мурожаат тушган.

Ҳисобот даврида вазирликка келиб тушган ариза ва мурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талабларидаги муддатлар бузилишига йўл қўйилмаган.

Шунингдек, 5 ой давомида вазир, вазир ўринбосарлари томонидан жойларда 6 марта сайёр қабуллар ўтказилиб, уларда аҳолидан тушган мурожаатлар ижобий ҳал этилган.

Мурожаатлар билан ишлаш бўлими

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида 2023 йилнинг I чорагида амалга оширилган ишлар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

Вазирликка 2021 йилнинг I чораги давомида жами 509 та (ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан 47 та кам) ариза ва мурожаатлар келиб тушган. Уларнинг барчаси белгиланган тартибда назоратга олинган бўлиб, шундан 448 таси, яъни 88,0 фоизи қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилган ва натижаси бўйича мурожаат муаллифларига маълум қилинган ва 61 таси, яъни 12,0 фоизи ижро муддати борлиги сабабли ҳозирги кунда кўриб чиқилмоқда.

Шундан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали 297 та, Бош вазир виртуал қабулхонаси орқали 27 та, Бош прокуратура вертуал қабулхонаси орқали 11 та ҳамда бошқа ижтимоий тармоқлардан, юқори турувчи идоралар ҳамда вазирликлардан, Ишонч телефонидан, почта хизматлари орқали жами 174 та мурожаатлар ўрганиб чиқиш учун келиб тушган бўлиб, жами 509 та мурожаатдан 71 та мурожаат вазирлик ваколати доирасига кирмаганлиги сабабли тааллуқли вазирлик ва идораларга ўрганиб чиқиш учун юборилган.

Ҳисобот даврида вазирликка келиб тушган ариза ва мурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талабларидаги муддатлар бузилишига йўл қўйилмаган.

2023 йил 20 февраль куни 03/1-3245-сон билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган вазирлик раҳбарияти томонидан 1-ярим йилликда **р**еспубликамиз ҳудудларида жисмоний ва юридик шахслар ҳамда уларнинг вакилларини сайёр қабул қилиш режасига асосан вазир ва вазир ўринбосари томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзатов ва Нукус туманларида (26 нафар), Тошкент вилоятининг Чиноз ва Тошкент туманларида (43 нафар) жисмоний ва юридик шахслар ҳамда уларнинг вакилларига сайёр қабуллар ўтказилган.

Мурожаатлар билан ишлаш бўлими